

# OILA DAVRASIDA

№ 34 (380)  
2019 - yil  
22 - avgust  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.



## ЁМОНЛИК ЙУЛИНИ ТУСИШ ИНТЕРНЕТДА ТАРҚАТИШМИ?

3-бет



### Этак билан ЁПИЛАЁТГАН ОЙ

2-бет



### ЧИРОЙЛИ ТАБАССУМ

яратувчилар мактаби

4-5-бетлар



### «Стандартдан ўтказиш» ЭНДИ 8 ЙИЛ

2-бет

13 млн.  
**ҲАШАРЧИ**  
қарийб  
ярми ёшлар

2-бет



«Оила даврасида» газетасига

2020 йил **ОБУНА**  
учун

Обуна индекси — 193

«Оила даврасида» — энг арзон, энг қизиқарли ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**



бошланди!

### Ўсаётган доллар ёхуд ПУЛ АЛМАШАДИМИ?

3-бет

### ДАФТАРИНГИЗГА бир қараб қўйинг

8-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара китоблар ассортименти



# ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛАДИМИ?

«ОАВда халқнинг диққат марказида бўлаётган долзарб мавзулар ёритилмоқда, аммо ташкилотлар жим. Ташкилотлар кимдир тепадан буйруқ беришни кутмай ўзи ҳақидаги мақолаларга муносабат билдириши керак».



Мамлакат Бош вазири томонидан айтилган бу гаплар сўнгги вақтда кўпчилик мутасадди раҳбарлар учун қутилмаган ҳол бўлди.

Тўғрисини айтиш керак, ҳукукий маданиятимиз озми-кўпми шаклланиб борапти. Лекин конун устувор бўлган демократик жамиятда «ўзи ҳақидаги мақолаларга муносабат билдириш» қандай бўлиши кераклиги ҳақида ҳалигача ҳамма ҳам етарли тушунчага эга эмас. Бу борада ҳозиргача айрим мутасадди раҳбарларнинг ўзи билган «анъанавий усул»дан фойдаланиши изчил давом этиб келаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бу қандай усул? Раҳбар бирон нашрда ўз соҳаси ҳақида таҳлилий-танқидий мақола босилганини эшитиб қолса, матбуот котибини чақириб, ўша нашрнинг «кўзи очи» бўлиши топширади. Мақолада келтирилган ҳамма факт ва далилларни тўғри-нотўғрилигидан қатъи назар кескин рад қилишни буюради. Бундан кейин матбуотга кўз-қулоқ бўлиб туриш, бу каби танқидий мақолалар эълон қилинишига йўл қўймаслик вази-фасини топширади.

Матбуот котиби эса, биринчи навбатда таҳририятга дағдағалар билан телефон қилиб, бир нарсани жиддий талаб қилади: «менга шунга ким ёзганини зудлик билан топиб беринглар!»

Соҳада юз бераётган ноқулай вазият, йиллар давомида халқни қийнаб келаётган муаммолар ҳолат ҳақида бош қотириш на матбуот котибининг, на масъул раҳбарнинг ҳаёлига келади. Кўпчилик жабр кўраётган ўтқир муаммо бу каби мутасаддилар учун умуман йўқдай. Уларнинг таҳририятга йўллаган узундан-узок «жавоб хати»да ўз фаолиятига мактовлар ёғдирилган ҳолос. Шу пайтгача ҳали қилинмаган ишлар, галдаги вазифалар ёки ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ярим оғиз ҳам сўз айтилмайди. Лекин буларнинг барчасини халқ кўриб-билиб турибди. Халқ шу табиий ҳаводан нафас олиб яшайпти. Унинг таркибида чанг ҳам, бошқа тутунлар ҳам борлигини халқ албатта яхши билади. Аммо окни оқ, қорани қора дейилишини кутади. Ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар, аввало, ўз камчилиги ва нуқсонларига иқрор бўлиши, ютуқларини ҳам этироф этиши, шунингдек, мавжуд камчиликларни бартараф этишга жиддий қилиниши халқ учун жуда катта орзу. Сабаби, халқ ўзини қийнаётган муаммоларни бир қунда узи-кесил ўнгиланишини талаб қилаётгани йўқ. Нарг бора, қилиниши керак бўлган ишларни мутасадди раҳбарлар тўғри белгилаб олса, қачондир камчиликлар кам-камдан бар-

тараф этилишидан умид қилипти, ҳолос. Мутасаддилар эса, тинмай «эсингизни еб қўйибсиз, бизда ҳеч қандай камчилик йўқ! Ҳамма машмашанинг вочи матбуот тарқатяпти!» дейишдан нарига ўта олмаяпти.

Ҳолис айтиш керак, матбуотдаги танқидий чиқишлардан кейин унда-бунда баъзи бир ўзгаришлар бўлиб турибди. Аммо, унутмаслик керакки, бундай ҳолатлар матбуотдаги жамоатчилик фикри таъсири билан эмас, юқоридагиларнинг тегишли чора кўриши билан боғлиқ. Матбуотда акс этган халқнинг иродасига қараб эмас, юқорининг қош-қовоғига кўз тикиб иш қилишдан, афсуски, баъзи бир мутасадди раҳбарлар чиқиб кета олгани йўқ.

Агар матбуотда бирон қонунга зид ҳолат кузатилса, ундай матбуот қонун олдига албатта жавоб беради. Бошқа ҳолатларда матбуот бемалол фикрлар хилма-хиллигини, таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилувчи қайсидир фуқаронинг фикр-мулоҳазаси, тақлифи ё муносабатини эълон қилишга ҳақли. Масала шундаки, матбуот ўзининг қонунга зид бўлмаган фаолияти учун ҳеч қайси мутасадди раҳбар олдига ҳисобдор эмаслигини англаб етиш бироз мушкул кечаётгандай. Қайси бир раҳбар бунга тўғри англаб етса, ўзининг фаолиятига ҳолис танқидий фикр бирдирганини «ачитиб гапирувчи дўст» сифатида қабул қилса, бундан факат ютади. Ўсади ва ривожланади. Аксинча, ўзни ҳаммаша ўз фоида ҳақ деб билиб, факат ютуқларга махлиб бўлиш эса, ҳар қандай фаолиятни издан чиқаради.

Гарчи қимларгадир «ўта эскириб қолган»дай таассурот қолдираётган бўлса-да, бугун ўзбек матбуоти анча дадил. Айтилган сўз — отилган ўқ, мақолини бугун айнан матбуотга татбиқ қилиш ўринли. Чунки матбуот нашрларида эълон қилинган материални қимнингдир қош-қовоғига қараб, бир пасдан кейин ими-жиммида ўзгартириб қўйиш, «тўғрилаш» ёки олиб ташлашнинг имкони йўқ. Шунингдек, танқидий мақолаларни бергани учун қутилмаганда «техник носозлик»ка учраб қолиш ҳам матбуотга чўт эмас. Матбуот қонун асосида иш кўради, ҳақиқатга суянади, ҳолислик ва адолатни диққат марказида тутати. Шундан бошқа ҳеч қимнинг олдига ҳисоб бериб ўтирмайди. Матбуотнинг енгилмас кучи ҳам шунда. Матбуот нашрларида эълон қилинаётган танқидий-таҳлилий чиқишлар эса, шу юртин самимий севадиган, унинг келажаги учун қайғурадиган фидойи ва заҳматқаш юртдошларнинг истиклолнинг навбатдаги тўйига муносиб тўёнаси бўлса, ажаб эмас.

Алижон ТЎХТАНАЗАРОВ

Энг улуг, энг азиз айём арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари халқимизнинг жиқслиги, бирдамлиги, аҳиллигини яна бир қарра намоёниш этди.



## ҲАШАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Умумхалқ хайрия ҳашари Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик тўйига муносиб тайёргарлик кўриш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида халқимизнинг дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириш, жамиятимизда ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, саховат, бегараз ёрдам, ўзгаларга хайрихоҳлик туйғуларини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Умумхалқ хайрия ҳашари ёшларни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга ундагани, истиклол берган неъматларни кўз қорачигидек асраб-авайлашга, қўл анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишга қаратилгани билан ҳам муҳимдир.

Ҳамюртларимизнинг фидойилиги, эзгу интилиши самарасида умумхалқ хайрия ҳашари кўтаринки руҳда ўтказилди. Шу кунларда юртининг ҳар бир гўшаси янада қирғир очган. Маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли турар жойлар, бинолар, таълим масканлари, ховлилар атрофи ободонлаштирилди. Кўча ва хиёбонлар, майдонлар ораста кўринишга келтирилди. Гузарлар, зиёратгоҳлар, ариқлар, йўлаклар, болалар майдончалари янада тартибли, озода кўриниш касб этди. Дарахтлар оқлиниб, уларга шакл берилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ахборот хизмати маълумотларига кўра, икки кунлик умумхалқ хайрия ҳашари давомида 26 минг гектардан зиёд майдонлар ободонлаштирилди ва тазаланди. Эллик минг тоннадан ортиқ чиқиндилар чиқариб ташланди. 25 минг километрга яқин узунликдаги ариқ ва лотоклар тазаланди. Қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилиб, тартибга келтирилди. 9 миллионга яқин дарахт оқлиниб, уларга шакл берилди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 13

мингга яқин техника воситаси жалб этилди.

Шунингдек, ҳашар қуни аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат мурувват ёрдами кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратилди. Хусусан, 13 мингга яқин кам таъминланган оиланинг 388 минг квадрат метрдан зиёд уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. 13 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оила, шундан 5 мингдан зиёд ногирон ва ёлғиз қариянинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий кўмак кўрсатилди.

Мазкур хайрия тадбирлари орқали 4 миллиард сўмдан зиёд, шундан 140 миллион сўмга яқин маблағ «Маҳалла» фонди ҳисобидан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат мурувват ёрдамлари кўрсатишга сарфланди.

Шунингдек, ҳашар қуни маҳаллаларда 150 тага яқин савдо, манший хизмат кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий объектлар, яъни 126 та манший хизмат кўрсатиш шохобчаси — савдо дўкони, «Гўзаллик саломи», сартарошхона, дорихона, тўйхона, тиббиёт маркази, «Барқамол авлод» маркази ва бошқалар, 6 та ишлаб чиқариш цехи, 14 та маҳалла фуқаролар йиғинини биноси, 4 та болалар спорт майдончаси фойдаланишга топширилди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида 13 миллион 800 минг нафардан зиёд фуқаро, шундан 7 миллион 809 минг нафардан ортиқ ёш иштирок этди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида август ойи давомида ободонлаштириш ва тазалаш ишлари давом эттирилди.

Буларнинг барчаси жонажон Ўзбекистонимизни янада обод, файзли, кўркам этиш, ҳамюртларимиз ҳаёти фаровонлигини ошириш, истиклол байрамини кўтаринки руҳда, байрамона кайфиятда қутиб олиш йўлидаги эзгу сый-харакатларнинг амалий ифодасидир.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

### ЭШИТДИНГИЗМИ?

## ҲИСОБЛАГИЧНИ «СТАНДАРТДАН ЎТКАЗИШ» МУДДАТИ ЎЗГАРДИ

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» Ҳукумат қарори қабул қилинди, дея хабар берди Адлия вазирлигининг «Huquqiy axborot» канали.

Қарор билан электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш бўйича маъмурий регламентлар тасдиқланди.

2019 йил 1 ноябрдан бошлаб ҳисобга олиш ускуналарини қиёсловдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

Ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш даврийлиги:

• юридик шахслар учун — 4 йил;

• жисмоний шахслар учун — 8 йилни ташкил этади.



# ЁМОНЛИК ЙЎЛИНИ ТЎСИБ, ЯХШИЛИК ТАРҚАТАЙЛИК...

Салон тўла одам. Автобус чайкалиб-чайкалиб кетаяпти. Гоҳ ўнга, гоҳ чапга оғади, бир тормоз каттик босилади, бир газ... Шофёр тинмай сўкинади. Бировларнинг онаси ҳам, синглиси ҳам, кизи ҳам колмади...

Охири сабрим чидамади. Сирғалиб олд эшик томон юрдим. Унғача навбатдаги бекат яқинлашиб колди.

– Амаки, нега бунча сўкинасиз?

– Кўрмайсани буларнинг хайдашини, безрайиб йўлингга чикиб келади, кўчада юришни билмайди булар...

– Шу сўкканингизни улар эшитдим?

– Асабингни бузгандан кейин нима қиласан?

– Сиз бир ўзингиз кетмайсиз, автобус тўла одам. Сочингиз оппоқ, ёшингиз олтимышдан ошганга ўхшайди, сизга ярашадими шу?

– Акл ўргатадиган кўп, асабинг бузилса кўрасан...

– Шундай оркангизда 10-12 ёшли кизча турибди. Неварангиз тенги бўлса керак. Ҳеч бўлмаса шундан уялсангиз бўларди! Ёки уйда ҳам кизингиз, келинингиз, неварангиз олдида сўкинасизми?

Шунда калласига бир нима урилгандек, шофёр бирдан ўзгарди.

– Кечир, ўғлим, билмай комман...

– Сиз мендан эмас, автобусдаги одамлардан, бориб ана тушиб кетган кизчадан кечирим сўранг, мана йўл хақи, омон бўлинг, бу ёғига пиёда кета қоламан...

Қизик, шу автобус хайдовчисининг оғзидан нима кириб нима чикапти, келганини

кайтармай сўкинаяпти, бировнинг демайди.

Тасвирга олиб, интернетга жойласам-чи, сўкиниши минг баробар кўпайиб ўзига қайтиб келади, деган хаёлга ҳам бордим. Лекин нега энди бу беодобликни тарғиб қилишим керак, деб дарров фикримдан қайтдим.

Бунақа беодобларни нега тарбиялаб қўя олмаимиз? Нега танбех бермаймиз?

**Очилини тан олайлик, унга танбех бефойда, деймиз-у, аслида «Сиз кимсиз менинг ишимга аралашадиган?», «Сизга нима, йўлингиздан қолманг», «Сен ўзингни бил...» деган гапларни эшитишдан, бизга ҳам ташлаиб кетишдан, изза бўлиб қолишдан қўрқамиз!**

Лекин, бир кишига ташланар, икки кишига ташланар, боринги, уч-тўрт кишига бас келар, лекин ҳаммани ғажиб ташлай олмайдми, кўпчиликка қарши боролмайди-ку...

Ўш, танбех бермабмиз, тартибга чақирмабмиз, икки оғиз эътироз билдиришни ўзимизга эп кўрмабмиз, телефонга тушириб, бутун дунёга тарқатишдан мақсад нима унда? Бу видеони онангиз, опангиз, синглингиз, ахли аёлингиз, кизингиз кўриши учунми? Ёки мақсад ростдан ҳам уларнинг юзидан ҳаё пардасини йиртиб ташлашми?

Тўғри, ҳар ким ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, лекин, келинг, бир ахмоқгарчилик, беандишаликни оламга жар солгандан кўра қўлимиздан келса яхши ишларни тарқатайлик...

**Бекзод ШУКУРОВ**

## Миродил АБДУРАҲМОНОВ:

– Иктисодни ривожлантириш, уйлар, мактаб ва боғчалар қуришда жуда катта натижаларга эришяпмиз, аммо тарбия масаласида жуда катта нарсаси бой берилганини энди-энди англаяпмиз. Бунга фақат маҳалла, хотин-қизлар кўмитаси ёки бошқа бир идора қарши керак, деб бир қарорга келгунимизча масала баттар чуқурлашди. Автобус хайдовчисими, ўқитувчиси, ишчиси, ким бўлишдан қатъи назар унга жамоатчиликдан қучирок таъсир этадиган куч йўқ аслида. Менга алоқаси йўқ деган одам эса бир кун келиб, албатта пушаймон қилади. Аммо унда кеч бўлиши муқаррар.

## Ойгул НУРМЕТОВА:

– Айримлар мана шунақа ҳолатларни тезроқ ижтимоий тармоқларга жойлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бу уларга таъсир қилиб, ўзларига худоса чиқариб олса яхши. Лекин таъсир қилмасачи? Бунинг ўрнига интернетга чикиб машҳур бўлдим, деб мактаниб юрса-чи? Шунинг учун энг тўғри йўл виртуал дунёда эмас, ҳаётда уларга сабоқ бериб, кўзини очиб керак. Интернетда бу яна қанча-қанча одамларга, ёшларга, айниқса ўсмирларга ва болаларга жуда ёмон таъсир қилиши мумкин. Болаларимизни мана шундай жоҳилликлар ва уларнинг захарли таъсиридан асраш учун ҳам ҳамма нарсани интернетда тарқатмаслик керак, деб ўйлайман.



Убайдулла АБДУШОХИДОВ:

## Хусниддин БЕРДИЕВ:

– Оддийгина бефарқлик ортидан ҳали ҳам кўп нарсани бой беришда давом этапмиз. Оилаларда китоб, газета ўқиш, дилдан бир оилавий суҳбатлашиш бутунлай йўқолди. Ҳамма нарсани пул ва моддият билан ўлчайдиган даражага келдик. Маънавият ҳақида гап кетса «қўй, шу шоирона гапларни, бу билан қорин тўймайди» дейиш одатий ҳол бўлиб қолди. Аслида маънавият ва моддият қушнинг икки канотидек. Бу иккаласи барабар ҳаракатланмаса қуш ҳеч қаерга уча олмайдми.

## Фотима Жўраева:

– Маънавият, одоб, ахлоқни аввало ҳамма ўз оиласидан бошлаши керак. Қолаверса, фарзандларимиз миясига гўдақлигидан бунинг сингдириб бориш керак...

Бир томондан ўша шофёр амакига ҳам раҳим қилди... «Нега?!» дейсизми? Сабаби, ҳақиқатдан ҳам ҳозирги гунда ўқимай хайдовчилик гувоҳномаси оловчилар, истаган жойида тўхтаб, истаган жойида йўлни кесиб ўтувчилар кўпайиб кетган. Тўғрими?

– Тарбияни аввало интернет кенгликлариди ўзбекча изох қолдираётганлардан бошлаш керакмикин, деб ўйлайман. Мунсабатларда «долбан»дан бошлаб «дебил»гача (бундан кўполроқларини ёшига қўлим бормади) ҳамма харфлардан бошланадиган, ўзбекча, русча, инглизча, форсча ва ҳоказо тиллардаги ҳақоратли сўзларни бемалол ишлатиб фикр билдириляпти. Айниқса, бундай сўзларни аёллар мусохабаларида, улар билдираётган фикрларда кўриб лол қолсан киши...

Асаблари ҳам кўтармай қолган бўлса керак... десам, «асаби чидамаса, уйда ўтирсин» дейдиганлар топилади. Лекин, ҳозир нафақат қарияларимиз, балки ёшларимизнинг ҳам асаблари таранг...

Ўзимиздан сўрайлик, ота-она бўлиб охириги марта қачон фарзандларимиз билан дилдан суҳбат қуриб ўтирдик? Фарзанд сифатида ота-онамиз билан-чи?... Ҳа, бу масаланинг моҳияти, илдини анча чуқур жойда жойлашган...

## ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ВА АҚШ ДОЛЛАРИ НАРХИ Барча масалага ойдинлик киритилди

Сўнги кунларда ички банклараро валюта бозори савдоларида алмашув курси ўзгарувчанлигининг ортиши кузатилмоқда. Хусусан, 2019 йил 20 августдаги биржа савдоларида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси 9384 сўмни ташкил қилди, дейилади Ўзбекистон Марказий банкнинг ички валюта бозоридидаги жорий ҳолат ва алмашув курси динамикаси тўғрисидаги ахборотида.

Валюта курси ҳолатидаги ушбу ўзгаришлар валюта бозоридида мавжуд талаб ва таклифнинг ўзаро нисбатини инобатга олган ҳолда курснинг кескин тебранишлари олдини олиш мақсадида ўрнатилган жорий алмашув курси тебраниш коридорининг бекор қилинишига сабаб бўлди.

### Тижорат банклари нақд валюта сотади

Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг 20 августдан бошлаб тижорат банклари

томонидан нақд хорижий валютани сотиш йўлга қўйилади.

### Валюта нархлари қандай белгиланади?

Бугун валюта биржасидаги савдоларда сўм алмашув курсининг 2,76 фоизга пасайиши кузатилди. Бу ҳолат Марказий банк томонидан биржа савдоларидаги валюта курсини 0,5 фоизлик тебраниш чегараларини бекор қилиш борасидаги қароридан сўнг вужудга келди, дейилади Марказий банк Раиси ахборотида.

Марказий банкнинг бу қарори, энг аввало, биржа савдоларида валюта курсини эркин, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шаклланишига қаратилган. Бошқача қилиб айтганда, амалдаги алмашув курсининг шаклланиш механизми, яъни тебраниш чегараларидаги кунлик 0,5 фоизлик чекловлар, валюта маблағларини биржада сотувчиларнинг иктисодий манфаатларига мос келмаётганини кўрсатди.

Албатта миллий валюта – сўмнинг

қадрсизланиши кўпчиликни қайсидир маънода ташвинга солиши мумкин. Бирок, Марказий банкнинг валюта бозоридидаги ушбу қадами объектив иктисодий зарурият бўлиб ҳисобланади.

Оддий қилиб айтганда, АҚШ долларини нархи ҳам бошқа товарлар нархи сингари бозорда шаклланади, унинг нархини сотувчи билан оловчи белгилайди. Ўтган ойдаги, ўтган ҳафтадаги ёки кечаги доллар нархи ҳам бозорда сотувчиларни қониқтирмади, бунга иккинчи томон – доллар оловчилар рози бўлиши ва натижада бутунги курс шаклланди.

### Пул алмашадими?

2019 йил сўнгига қадар Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмнинг деноминация қилиниши ҳақида хабарлар тарқалган эди.

Ушбу масала бўйича Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов 2019 йил 20 август кунини ўтказилган матбуот анжуманида изох бериб ўтди:

«Деноминация оддийгина нолларни ўчириш эмас, катта иктисодий ҳаражат. Биз деноминация қилмоқчи эмасмиз. Марказий банк раиси сифатида айтмоқчиман, деноминация ҳеч кимнинг ҳаёлида йўқ.

Деноминация иктисодий барқарорлик ва кучли инфляция шароитида ўтказилади. Бизда аҳвол ундай эмас».

Марказий банкнинг ички валюта бозоридидаги жорий ҳолат ва алмашув курси динамикаси тўғрисидаги ахборотида қайд этилишича, жаҳон иктисодиётининг жорий ривожланиш тенденцияси шароитида Марказий банк валюта курси шаклланишига ташқи омиллар таъсирининг қулайиш эҳтимоли мавжудлигини инобатга олади.

Шу билан бирга, Марказий банк ички валюта бозоридидаги вазиятни диққат билан кузатишда давом этади ҳамда ташқи омиллар таъсирига қарши қаршилик мувозаанатини таъминлаш мақсадида бозор механизмларидан фойдаланади.



# ЧИРОЙЛИ ТАБАССУМ

Тошкент давлат стоматология институтининг тиниб-тинчимайдиган, ўт-олов, билим олишга чанқоқ талабалари дилига улкан орзуларни туккан. Ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишга аҳд қилган бу ёшлар илмнинг юксак ва салобатли чўққилари сари мардона одимламоқда. Стоматология соҳаси бўйича мамлакатимизда таянч олий ўқув даргоҳи ҳисобланган мазкур институт уларга қанот бўлмоқда.

## Зангор фасл

*Юрагингда, сенинг қўлингда  
Тоза чечак каби ўйнадим,  
Ёшлигим, мен сенинг йўлигда,  
Севинтирдим. Сени қайнадим  
Наҳот хафа кунларинг ўтган,  
Ўзинг бердингми бебошликни?  
Лекин мени отмадинг ўтга,  
Нақадар яхисан, ёшлигим!..*

Чиндан ҳам, нозик ва инжа туйғуларнинг оташнафас куйчиси, Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи мадх этганидек, ёшликнинг ўзи шўх, соғлом чечак каби кўнгилларни аллақандай таърифга сиғмас туйғуларга ошно етади. Шу паллада ёшликнинг сурурбахш хуш онларини кўмсай бошлайсан. Ростдан ҳам, бу навкирон фасл, ёшлик чоғлари киши умрида энг нозик, маъсум, бегубор, масулиятли бир даврдир. Қиздир, йигитдир — бу кезде уларнинг туйғулари лиммо-лим оқаётган ва манзили томон шошайтган анҳор суви каби кўпирган, пўртана босган, хийлагина шошқалок бўлади.

Бўладиган бола бошдан

дай бўлгуси шифокорлар одамлар дардини аритиш ниятида ўқимокда. Тиш оғриғидан азият чекиб, дунё кўзига қоронғу кўринган инсонларга табассумини қайтариб бериш учун илм олмоқда. Улар соҳанинг нозик қирраларини эринмасдан ўқиб-ўрганишига, оламшумул янгиликлар яратишига амин бўлдим.

## Ёшликнинг сурурбахш онлари

Имтиҳон ташвишларидан кутилган, юраги минг бир хил орзулар, келажак лаззатлари билан тўлган ёшлар ўзларини нияҳотда бахтли, қувноқ хис қилади. Юзларида мислсиз табассум жилва қилади. Ана шундай ёшларнинг аксариятига Тошкент давлат стоматология институти биносига қираверишда рўбарў келдим. Кўкка бўй чўзган сонсанокис, улкан дарахтлари билан чор-атрофда донг таратган, маҳаллий халқ тилида «эски ТашМИ» деб аталадиган бу манзилдаги ўриндиклар



кафедра, малака ошириш факультети ҳамда битта академик лицей фаолият юритади. Икки мингга яқин талаба 322 нафар тажрибали профессор-ўқитувчилардан касб сирларини пухта ўрганмоқда. 46 нафар фан доктори, профессор ва 82 нафар фан номзоди, доцентлар сабоқларни амалиёт билан ҳамроҳанг тарзда ўтмоқда. Шундай қилинса талабанинг кўзи пишадди, тажрибаси ортади, кўникмаси шаклланади. Шу билан бирга, талабалар турар жойи, очик ва ёпик спорт заллари, кутубхона ёшлар хизматида. Бу ерда ёшлар бўш вақтини мазмунли ва қизқарли ўтказишди. Тагин бир гап. Институтда мавжуд мутахассисликларнинг ўқув адабиётларига ҳеч қандай муҳтожлик сезмаслиги учун аниқ ва режалли ишлар йўлга қўйилган. Маълумки, бугунги кунда фонди бой ва нодир китобларга тўла бўлган кутубхоналарга ҳамма таълим даргоҳининг ҳам чанқоқлиги бор. Таълим сифатини ошириш, талабаларга янги авлод адабиётларини етказиб бериш институтда донимий эътибордаги масала. Бу мақсад учун етарли миқдорда маблағ сарфланди. Ёшларда китобга бўлган меҳрмуҳаббатни ошириш мақсадида ўттиздан ортиқ тақдирот, кўрик-танловлар ўтказилди.

Институтга 2018 йилда «Анатомия», «Жаррохлик касалликлари», «ОЖТА» фанлари бўйича инновацион фикрлашга йўналтирадиган технология ва интерфаол услуб, янгилик ҳисобланган Пирогов анатомик столи келтирилди. Аҳамиятлиси, унда инсоннинг анатомик тарҳитаси 3D моделда намойён бўлади. Ҳозирда талаба-

лар шундай усқуналар ёрдамида пухта билим олмоқда.

Болалигимда эшитган эртақларда гўзал, хушқомат маликаларга сифат берилганда уларнинг гуручдек тишлари садафдек жилланиши, жилва бериши бот-бот айтиларди. Чиндан ҳам, қадим-қадимдан ажодларимиз танамизнинг муҳим ва ажралмас бир бўлаги бўлган тишлар парваришига алоҳида эътибор қаратиб келишган. Кексалар хар куни эрталаб янги соғилган ситир сугидан истеъмол қилишган. Негаки, суг таркибиде керагидан ортиқ миқдорда кальций бор. У тишни мустаҳкамлайди, касалликлардан асрайди. Зеро, соғлом ва бақувват тишлар инсонга ўзига хос жозиба ҳамда кўрк бағишлаб туради. Қолаверса, у овқатни шошилмасдан ва эринмасдан чайнаш имкониятини яратиб, саломатликка бекиёс фойда келтиради. Шунинг учун ҳам тишларига эътибор билан қараб, мунтазам шифокор кўригиде бўлиб турадиган кишиларнинг нафақат тишлари, балки ўзлари ҳам соғлом бўлади.

— Қузатган одамлар билади. Жаҳоннинг хар жихатдан ривож топган давлатларида танамизнинг муҳим ва ажралмас бир бўлаги ҳисобланган тишлар парваришига шунчаки муносабат ҳеч ҳам қузатилмайди, — дейди **Тошкент давлат стоматология институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жасур РИЗАЕВ.** — Негаки, аксар хасталикларнинг бошланишига, келиб чиқишига инсоннинг оғиз бўшлиғидаги қаровсиз тишлар сабаб бўлиши исботланган. Шу важдан болаларга тишларни тоза ва покиза ҳолда саклаш кўникмалари ўргатиб борилади. Биласиз, қатталарга тақлид қилишни яхши қўладиган жужуқлар тез фурсатда бу яхши олатни миридан-сиригача ўзлаштириб олади. Умуман олганда, тишларни тозалаш ва шифокор назоратида бўлиб туриш саломатлик қафолатидир.

Дарҳақиқат, хорижликларнинг бундайин жон қойитишлари, албатта беқорга эмас. Бу ишга шифокорлар ҳам жон-жаҳдлари билан киришди. Бундай ҳолат мамлакатимизда стоматология соҳасини эгилган, пароканда бўлаётган қаддини тиклашни тақозо қилар

эди. Айнан шу мақсадда 2014 йил 22 июлда Тошкент давлат стоматология институтига тамайл тоши қўйилди. Олий таълим даргоҳи учун алоҳида бино ажратилди. Малақали мутахассисларнинг саралари танлаб олинди. Бугунги кунда ҳаётий тажрибага эга бўлган профессор ва ўқитувчилар сони 28 та кафедрада 322 тага етади. Улар стоматология соҳасидаги янгилик ва ўзгаришлардан, илғор тажрибалардан ортда қолмаслик учун ўз устида тиним билмасдан ишлашади. Ахир бугун жаҳон аҳлини хайрату ҳаяжонга солаётган, ажаблантираётган муҳим кашфиётлардан бебахра қолган одам мақсадсиз юравереди. Қолаверса, бундай эринчоқ, хафсаласиз, мужмал устознинг қосаси оқармайди. Жамоа аъзоларининг бариға ана шу қаттиқ ва ўринли талаб миридан-сиригача обдан туншунтирилади. Ахир, халқимиз орасида «Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди» деган мағзи тўқ гап бежиз айтилмаган. Хуллас, жон қойитиб, тиним билмай олиб борилаётган саяй-ҳаракатлар натижа, яъни мева кўрсата бошлади. Қолаверса, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги муҳим ва ҳаётий ўзгаришларни назарда тутган қарори тизимни босқичма-босқич ислоҳ қилиш, таълим сифатини ошириш, соҳанинг қадли-бастини кўтариш, сифат босқичини ривожланган давлатлардагидек юқори босқичга олиб чиқиш, ўз навбатида стоматология соҳаси аҳамияти ва туб моҳиятини ҳам аҳолига туншунтиришда дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжатда кўзда тутилган вазифалар таълим жараёнига босқичма-босқич тарзда татбиқ этилмоқда.

Институт ректори Жасур Ризаевнинг қайд этишича, ўқув жараёнини халқаро мезонларга мос бўлиши, замонавий инновацион технологияларнинг ўқув дастурларига татбиқ этиш борасидаги ишлардан кўзланган мақсад битта — у ҳам бўлса олий таълим сифатини жаҳон андозаларига бўйлатиш. Шу билан бирга, профессор-




маълум деганларидек, ота-онасидан, устозларидан рисоладагидек таълим-тарбия олган, инсонийлик хислатларини қалбига сингирган ёш нихол эрта бир кун ҳаётнинг ўқир-чўнқир сўқмоқларида одимлаганида асло қокилмайди. Негаки унинг аниқ мақсади бор, борар йўли тайин.

Тошкент давлат стоматология институтида бўлганимда ана шундай уйғок қалбди, гурулдир ва юрт келажиги учун масъул бўлган сон-саноксиз ёшларга кўзим тушди. Эгнига ок халат жуда ҳам ярашган бун-

гарчанд қайнок ёз бўлишига қарамадан кўплаб ёшлар билан лик тўла экан. Бир-бирлари билан бегубор ва гард кўнмаган орзуларини ўртоқлашаётган, баҳамунозарани, тортишувни авж олдириб юборган ёшлар айнан Тошкент давлат стоматология институтига кириб ўқишни жуда ҳам исташади. Ахир, болалигиданок кўли энгил шифокор бўлишни, одамларнинг лат еган тишини оғритмасдан даволашни дилига туккан бу ёш нашолар.

Айни кунда илм даргоҳида учта факультет, халқаро таълим йўналиши, йигирма саккизта





# ЯРАТУВЧИЛАР МАКТАБИ



Ўқитувчиларнинг билим ва кўникмаси мунтазам равишда ошириб бориляпти. Масалан, шу йилнинг ўтган етти ойи давомида икки юз нафарга яқин устозлар хориждаги нуфузи баланд таълим муассасаларида бўлиб малака ошириб, стажировка ўтаб қайтган бўлса, икки юз нафар хорижлик профессор бевосита институт ўқув жараёнига жалб этилди. Қозоғистондаги Қарағанда тиббиёт университетига тўққиз нафар, Қозоғистон Россия тиббиёт университетига эса ўн нафар талаба мобиль алмашинув дастури бўйича юборилди. Аслида бундай борди-келди яқин келажақда ўзининг ижобий самарасини бериши аниқ.

## Тараққиётнинг янги босқичи

Замон шитоб билан илдамлаётган айни паллада хориждаги нуфузи баланд олий ўқув юртлири билан яқиндан «борди-келди» алоқаларини мустақкам килмасдан, тажриба алмашмасдан туриб тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиш мушкул. Яхши биласиз, ана шу йўлдан дадил кадам ташлаб бораётган олий илм даргоҳлари сираям йўлидан адашгани йўқ. Аксинча, илм бериб тайёрлаган, ҳаётга учирма килган полапонлари юксак-юксакларга парвоз қилиб улгуришиди.

Бу гапларни эслашимиздан мурда шуки, халқаро ҳамкорлик алоқаларига Тошкент давлат стоматология институти ҳам ҳаёт-момот масаласи дея қараб келяпти. Биргина 2018 йилнинг ўзида Турин политехника университети (Италия) билан ҳамкорликда «Биотиббидиёт муҳандислиги» ва Москва

давлат тиббиёт стоматология университети билан «Стоматология» кўшма таълим дастури ташкил этилди. Шу билан бирга, халқаро факультетлар ташкил этиш ишига ҳам жиддий тарзда аҳамият қаратилмоқда. Оренбург давлат тиббиёт университети билан «Клиник психология», Приволжск тадқиқот тиббиёт университети билан «Даволаш иши» бакалаврият таълим йўналишлари, Финляндиянинг JAMK амалий фанлар университети билан «Соғлиқни сақлашда менежмент» магистратура мутахассислиги, Беларусь дипломдан кейин таълим бериш тиббиёт академияси билан «Офтальмология», Россия Халқлар дўстлиги университети билан «Дерматовенерология» клиник ординатура кўшма дастурларини йўлга қўйиш асосида талабаларни ўқитиш йўлга қўйилди. Мазкур факультетларда дарслар эркин, талабаларнинг билим олиш йўлидаги истак ва хоҳишлари инобатга олинган тарзда ўтилади. Бу дегани имтихон ҳам нолмагина бўлади, дегани эмас. Негаки, синов маҳали, яъни «жўжани қузда санаш» чоғида талабанинг билими ҳаққоний баҳолашиб сараги саракка, пучағи пучакка ажралади. Шунинг учун талаба сабоқдан кейин йўлидаги илм даргоҳлари инобатга олинган тарзда ўтилади. Бу дегани имтихон ҳам нолмагина бўлади, дегани эмас. Негаки, синов маҳали, яъни «жўжани қузда санаш» чоғида талабанинг билими ҳаққоний баҳолашиб сараги саракка, пучағи пучакка ажралади. Шунинг учун талаба сабоқдан кейин йўлидаги илм даргоҳлари инобатга олинган тарзда ўтилади.

## Булоқ кўз очди

Чўққилари булутларга қадар чўзилган қорли тоғларга инсон ҳамиша ўзига хос қизиқиш ва ҳайрат билан тикилади. Ана шу паллада унинг эътиборини кўпроқ қалашган беҳисоб тоғ-тошларни асло писанд қилмасдан ўз йўлини топиб сизиб чиқаётган серсув булоқ

ўзига тартади. Ўзи табиатда ҳар битта булоқнинг кўз очиши ажабланарли, мўъжизаларга бой ҳолатдир эҳтимол. Мазкур институтда таҳсил олиб ўз билими ва одоби билан тенгдошларига ўрناк бўлаётган ёшларни мен тоғу тошлар кучоғидан бош кўтариб чиққан ўша булоққа жуда ўхшатган бўлардим. Чиндан ҳам, ҳаётда кўп бор кузатганим бор. Бог ниҳолсиз, чаман гунчасиз, дарё эса жилғасиз, соҳилсиз сира-сира мавжуд бўлмас экан. Олий таълим даргоҳларида илмнинг тўлиқлиги уммонини ҳам янги-янги истеъдодлар оқимисиз сира тасаввур этиб бўлмайди.

Тошкент давлат стоматология институтида ҳам касбининг устаси бўлишга интилаётган, шу йўлда ғайрат камарини белига маҳкам боғлаган ёш стоматолог шифокорларнинг бутунлай янги авлоди худди мард ва чапани аилларга ўхшаб майдонга чиқмоқда. Улар таъбир жоиз бўлса, майдонда рақиблари курагини ер исқатиб, голиблик

шида устозларининг хизмати салмоқли. Яна бир муҳим далил эътиборимизни тортмасдан қолмади. Гап шундаки, фан олимпиадаларида иштирок этган йигирмага яқин талабаларнинг аксарияти совриндорлар каторидан жой олиб улгурди. Бундай қувонарли натижаларни спорт соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Бугунги кунда институтида қирқ учта тўғарак ишлаб турибди. Мазкур тўғараклар ўз атрофига мингга яқин талабаларни жипслаштирган. Қолган ёшларни ҳам келажақда бирор бир тўғаракка меҳр боғлатиш чоралари қўрилмоқда.

– Халқимиз эгнига оқ халат кийган қўли енгил шифокорларни эъзозлаб «нажот фаришталари» дея хурматини жойига қўяди, – дейди Тошкент давлат стоматология институтининг маънавият ва маърифат ҳамда ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Эльдор АНГИРОВ. – Негаки, бу касб соҳиблари кези келганда ўз касамёдига содик қолган тарзда бирор-бир

оҳангдор шеърлар талабалар тафаккурини бойитишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шу кунга қадар олий даргоҳни минг-минглаб мутахассислар муваффақиятли битириб чиқди. Улар бугунги кунда хориждаги нуфузи баланд клиникалардан тортиб, мамлакатимизнинг шаҳардан олис қишлоқ ва овулларигача бўлган шифо масканларида ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилиб келяпти. Шу ўринда муҳим бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмас. Сир эмас бугунги кунда ҳукуматимиз аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш учун астойдил жон қойитмоқда. Ахир ишли одамнинг ҳаёлига турли хил бўлмағур фикрлар келмайди. У фақат ишини, бола-чақаси тинчлигини, рўзғори тўқислигини ўйлайди. Ана шу ва бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласига институт мутасаддилари жиддий эътибор қаратмоқда. Би-



нашидасини суришга ҳозирлик кўраётир. Биласиз, бундай беллашувлар дўстлашув, ҳам ўзига хос ва мос кўрик, ҳам байрам, ҳам имтихон бўлиши билан аҳамиятга моликдир. Зеро, машҳур аждодимиз Мирзо Бобур ҳазратлари таъкидлаганидек, «...қилинган ҳар қишининг таъби бирла қилгати».

Таъкидлаш жоизки, ўзига хос тарзда ўтказилган олимпиада, спорт беллашувлари ҳамда давлат стипендиантларини саралаш чоғида бу нарсаси очик-ойдин биллиниб қолади.

Бизга тақдим этилган маълумотга кўра, институтида иқтидорли талабалар сони бир юз йигирма беш нафар экан. Бу ҳали аниқ рақамлар. Биз билмаган, англамаган қобилият соҳиблари эса бу даргоҳда истаганча топилади, бунга шубҳа йўқ. Галдаги вазифа ана шундай фарзандларимизни ҳам нуфузи баланд беллашувларга жалб қилиш.

Азиза Дўстмухаммедова ҳамда Камола Юсупалиева Ибн Сино номидаги, Раъно Мирхусанова Исом Каримов номидаги давлат стипендиасига муносиб деб топилади. Уларнинг бундай натижани қўлга кирити-

лардан азият чеккан ҳар беморнинг дардига малҳам бўлади, уни яқинлари, оиласи кучоғига қайтарари. Назаримда, инсонни муҳим азоси саналган тишларни даволловчи стоматологларни ҳам камини ана шундай тоифага ҳеч иккиланмасдан қўшган бўлардим. Илм даргоҳимиз стоматология соҳасида етук мутахассислар тайёрлаб берадиган ва тадқиқотлар олиб борадиган Марказий Осиебаги нуфузи баланд олийгоҳлардан ҳисобланади. Бу ерда фаолият юритаётган юз, жағ жарроҳлиги кафедрасининг довриги узок-узокларгача кетган. Бугунги кунда олимларимиз соҳадаги муҳим янгилик ва ўзгаришларни амалиётга қўламоқда. Тизимга янгидан-янги, замонавий, жаҳон андозаларига мос усуллар жорий этиб борилмоқда. Тишларни тез ва қисқа муддат ичида огриксиз, ҳеч қандай зиён-заҳмат етказмасдан олиш, қўйиш, даволаш сингари амалиётлар енгил амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, соҳа мислсиз ислохотларга юз тугди.

Илм даргоҳи жамоаси фақатгина бу сингари ўзгаришлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Маънавий-маърифий талбирлар ҳамда шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўзига хос тарзда мунтазам ўтказиб келинади. Дилтортар суҳбатлар,

тирувчиларнинг асосий қисми ўз соҳасида меҳнат қилмоқда.

Бундан ташқари шаҳардан олис манзиллардаги ёшларни стоматология соҳасига қизиқтириш масалалари устида ҳам алоҳида режа ишлаб чиқилган. Гап фақат уларни дадил ва ҳеч нарсасдан чўчимасдан амалга оширишда қолган. Ўйлайманки, институт жамоаси бу масъулиятни ва шарафли ишнинг улдасидан чиқари.

...Кўк билан бемалол беллаша оладиган, ям-яшил, улкан дарахлар ҳамда инсон кўнглини кўтариб, дилини яйратадиган турфа хил гулу гиёҳлар билан қопланган йўлақлардан охиста юриб борар эканман, ҳаёлимда бир-бириндан ажойиб фикрлар туғилди. Ўйлайманки, бир маҳаллар жуда ҳам улкан максадларни кўзлаб ташкил этилган Тошкент давлат стоматология институтининг оқил ва доно устозлари, кўзлари нури келажақ сари боқиб турган йигит-қизлари ўзларига ишониб топирилган юмушни қойиллатиб улдалайди. Зеро, инсонлар соғлиғи учун тинимсиз ва муттасил курашадиган шифокорлар эл-улус назаридан сира четда қолмайди.

Улугбек ЖУМАЕВ,  
«Оила даврасида» мухбири





**«ЭЛЛИКҚАЛЪАДАВСУВМАХСУСПУДРАТ»**

**ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**КЎП МИЛЛАТЛИ ХАЛҚИМИЗНИ  
ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ**

**ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИК**

**БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!**

**БУНЁДКОРЛИК ВА ЯРАТУВЧИЛИК**

**ИШТИЁҚИ ХАЛҚИМИЗГА ҲАМИША**

**ҲАМРОҲЛИК ҚИЛСИН! ЮРТИМИЗ ТИНЧ,**

**ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!**



**ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ**

**БАРЧАМИЗГА ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**



**Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!**

**«НОРИНДАВСУВМАХСУСПУДРАТ»**

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ  
ЖАМОАСИ

ХАЛҚИМИЗНИ МАМЛАКАТИМИЗ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИК  
ШОДИЁНАСИ БИЛАН МУБОРАКБОД  
ЭТАДИ!

БАРЧА ХОНАДОНЛАРГА  
ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ВА  
ҚУТ-БАРАКА, ФАРАВОНЛИК  
ТИЛАЙДИ!

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ БАРЧА  
ОРЗУ-УМИДЛАРИ РУЁБГА ЧИҚИШИГА  
ТИЛАҚДОШМИЗ!

ЖАННАТМОНАНД  
ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ  
ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ  
ҲАМИША БЕҒУБОР  
БЎЛСИН!

**БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗ  
ЮРТДОШЛАР!**



## ЎҒРИГА КЎРСАТИЛГАН МАРҲАМАТ

Бу хикоят Алишер Навоийнинг «Хайратул абдор» достонида «Марҳаматли Айюбнинг безори ўғри эгрилигини тузатгани...» сарлавҳаси остида берилган.

Бир кеча хурматли Айюб тоатибодат қилиб, шамъдек кўзилан ёшлар тўкиб ўлтирар эди.

Шу кеча бир кассавур унинг уйига лаҳим қовлай бошлади. Кечаси билан у ер остини ўйиб, йўл қилиб чиқканда, уйда бир одамнинг бошини кўрди. Айюб ҳам буни тушуниб, индамади: ибодатда давом этди. Ўғри эса ўша тешикнинг ичидан чиқиб, уйдан нима топса, ҳаммасини тўплаб, қанчасини кўтар оладиган бўлса, мўлжаллаб, орқасига маҳкам танғиб боғлади. Лаҳимга кирмоқчи бўлган эди, тешик кичкина, юк эса жуда ҳам қатта бўлганидан унга сиғмади. «Иннинг торлигидан хафа сичкон думига ғалвирни ҳам бойлаб олибди», деган гап бор. Унинг қийналиб қолганини кўриб, Айюб ўрнидан турди-да,


эшикни очиб, унга йўлни кўрсатди.

— Юкинг қатта бўлиб кетибди, тешигинг эса кичик. Эшикдан чиқа қол, мана, эшик очик.

У қанча гумроҳлик кўрсатган бўлса, шайх унга шу хилда йўл кўрсатди. Киши бировга шу хилда йўл кўрсатгандан кейин у бундай йўлдан четга чиқиси мумкинми?!

Бу ахвол ўғрини ожиз қилиб қўйди, оғир юк эса қаддини букди. Вужудини бир ўт ёндириб дард бериб, бундан ложувард осмоннинг ҳам иситмаси чиқиб кетди. Елкасидаги юкни шу ўтга ташлаб, ўз вужудининг юкни ҳам қуйдиришга тайёр эди. Бу ранжу малолатдан музтар бўлди, хижолат уни хасдек ўртантирди. Наъра тортиб, селдек кўз ёши тўкди; шайхнинг оёғига бошини фидо қилди. Шайхнинг яхшилиги, гуноҳини афв этгани тилини лол этди, марҳаматининг юки эса жисмини беҳол қилди.

Шайх марҳамат қилиб, унинг кўзидаги ёшини арди, лутф



кўрсатиб, бошини ердан кўтарди. Унинг дарду ахволини тушуниб, фақирлик хирқасини қийишни тавсия этди. Тасаввуф йўли ўз ўти билан унинг жонини қуйдириб, ундан бирон нишон ҳам қўймагандек эди. Унинг бутун борлиги хасдек шу ўтда қуйди. У шу ўтдан кўп ёруғлик топди. Камолот эгаси уни шундай парвариш қилиб, бир афв билан шунча нарсага эга бўла олди.

(Абдуқодир Ҳайитметов  
настрий баёни)

## ЖАВОҲИР

Абдулла ОРИПОВ,

Ўзбекистон  
халқ шоири

## ДОРБОЗ

Булутларга ёндош, осмон остида,  
Киприкдаги ёндай турибди дорбоз,  
Қиличнинг дамидай арқон устида  
Кўзларини юмиб юрибди дорбоз.

Одамлар, одамлар, уни олқишланг,  
Қаранг, у нақадар эпчил ва ўқтам,  
Биз-чи, эҳ... баъзи бир кўзи очиклар  
Эплаб юролмаймиз қатта йўлда ҳам.

## ИНТЕЛЛЕКТ

## У нима дегани?

«Кўлик» сўзи ҳозирда фақат маълум ҳудудлардагина ишлатиладиган шевага хос сўз сифатида қаралади. Лекин қадимги Ўзбекистонда «Кўлик» сўзи «Кутадғу билиг» каби манбаларда «кўлик» умумтуркий сўз сифатида ишлатилган.

**Диққат савол:** ҳозирда ҳам жонли тилимизда қўлланиб келаётган ушбу сўз нимани англатади?

**Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.**

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2019 йил 15 август 33-сонига берилган саволнинг жавоби: Шерлок Холмс аёлининг эрига қаерга келишни айтмаган, лекин эр хотинининг қаерда ўлдирилганини сўрамадан тўғри ўша ерга келган.

Ушбу саволга жавоб йўллаган барча газетхонлар жавобни тўғри топди. Уларга тахририятимиз номидан миннатдорлик билдираимиз.

## Сўнгги саҳифа

Боя қалингина ён дафтаримга хаёлга келиб қолган бир фикрни муҳрлаб қўяй деб, шундоқ варақласам, сўнгги саҳифаси қолибди экан...

Хаёл учдию кетди.

Кўп нарсанинг поёни кўринаяпти. Орзуларнинг ҳам поёни, ишончинг поёни, завқнинг поёни, самимиятнинг поёни...

Ишқилиб, умр поёнига қадар бир нималарга эришасан, улгуриб қолса бўлгани... Тўғри, имкон кўп ҳали, ёш бўлсак, олдимизда кўп жилғалар бўлса, намунча айюханнос...

Аммо ИШОНЧнинг поёни, паймонанинг поёни кўринаяпти... Ҳозирданок. Худди ён дафтарим-

нинг сўнгги саҳифаси каби...

Поёнига етган дафтар бир куни барибир ёпилади ва... ғаладонга ташланади... Сўнг уни биров очиб ўқийди ё ўқимаيدди. Эҳтимол, уни битган, тўлдирган ОДАМ ҳам қараб қўймас... Эҳтимол, ҳеч кимга керак бўлмас энди у...


Ҳа, қўлингизда пайти сиз билан қувончли дамларингизда, ғамгин чоғларингизда ҳамнафас бўлиб, туйғуларингизни бағрига олган ён дафтарнинг поёни шу билан ниҳоя топади...

Ён дафтарингизга қараб қўйинг: қанча саҳифаси қолибди?

Жасур КЕНГБОВ

## ПАЗАНДАЛИК

## ЯЛПИЗЛИ ЛИМОНАД



**Масалликлар:** 250 миллилитр сув, 125 грамм шакар, 4-5 дона ялпиз шохчаси, 2 дона апельсин, 1 дона лимон, 1 литр газли сув.

**Тайёрланиши:**

Шакарни кастрюлга соламыз ва сув қўшиб, қайнаб чиқишини кутамиз. 5 дақиқа давомидан

қайнагач, оловни ўчирамыз ва қиймага ялпиз солиб, совутишга қўямиз. Лимон ва апельсин шартини эзиб, қиймага (ялпизни олиб ташлагач) қўшамиз ва газланган сув билан аралаштирамыз. Таъбга кўра, муз бўлақлари, ялпиз ва цитрус мевалар билан ичиш мумкин.

## ТАБАССУМ

## Бонусли сомса

«Бонусли сомса» деб ёзилган сомсахонага кирган хўранда сотувчидан сўради:

— Қандай қилиб «бонусли сомса» есам бўлади?

Сотувчи:

— Гўшли сомса деганидан истаганингизча сотиб олиб, еб кўрасиз. Агар бирорта сомсанинг ичидан гўшт чиқиб қолса, бонусга яна битта шунақа сомса берамиз.

## Навбат келгунча...

Афанди кўчада кетаётса, дўсти сўрабди:

— Ҳа, афанди, йўл бўлсин?

— Дўхтирга кетяпман, — деб жавоб берибди Афанди.

— Ҳа, тинчликми? Қўринишингиздан соппа-соғсиз-ку?

— Тўғри, ҳозирча соппа-соғман, лекин навбат келгунча қасал бўламан-да!

## ФОТО-НИГОҲ

МАТБУОТ ВА  
ҚИЗИЛ ЧИРОҚ...

Изоҳи ўзингиздан.

OILA  
DAVRASIDA  
iltimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти маъсуляти чекланган жамияти

Бош муҳаррир  
Хусниддин БЕРДИЕВ

## МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;  
Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»;  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» наприёт-матбав акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиков, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Маждов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Мурудулло Холмухамедов, Муҳаммаджон Қуронов

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, 100000, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-837

ISSN 2181-4190

Азали: 2 888 нуска.

Нархи: келинчу асосида.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 19:00

Обуна индекси — 193

ISSN 2181-4190



1234